

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайти, 2021 йил 5 май

https://uza.uz/uz/posts/temuriylar-davrining-mashhur-xattoti-eronlik-sultonali-mashhadiy-haqida-bilasizmi_264155



СУЛТОНАЛИ МАШҲАДИЙ – ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИНИНГ МАШҲУР ХАТТОТИ

Чиройли ёзиш ҳамда ҳарф ва сўзнинг бошқа ҳарф ва сўзга нисбатан аниқ мувозанатини яратиш маъносидаги хаттотлик нафис санъатлар турига кириб, узоқ тарихга эга. Хаттотлик жаҳондаги барча маданиятларда кўзга ташланса-да, ушбу гўзал санъат тури Шарқда, жумладан форсийзабон халқлар орасида катта аҳамият касб этади.

Ҳижрий-қамарий IV – милодий X аср бошларида Байзовий Шерозий номли хаттот «олти хат» номи билан машҳур бўлган қуйидаги ёзувларни яратди: муҳаққак, райҳон, сулс, насх, риқоъ ва тавқиъ. Ушбу хат турларини бир-биридан фарқлаб турадиган жихат уларнинг ҳарфлар ва сўзлар шаклидаги фарқ ҳамда улардан ҳар бирининг юзаси ва атрофи нисбати билан боғлиқдир.

Хаттотлик санъати Темурийлар даврида ўз ривожини ва камолининг авж нуктасига етди. Мир Али Табризий насх ва таълиқ хатларини бирлаштириб, настаълиқ хатини яратди. Бу даврда Темурийлар сулоласи вакили Бойсунғур Мирзо Қуръон кўчирувчи энг машҳур хаттот сифатида танилган эди.

Темурийлар даврининг яна бир машхур хаттоти Султонали Машхадий бўлиб, Эроннинг Тошкентдаги элчихонаси яқинидаги кўча унинг номи билан аталган. Хўш, ушбу кўчадан ҳар куни ўтадиганлардан неча фоизи ушбу хаттот ва ориф тўғрисида маълумотга эга? Бу саволга жавобан қуйидагиларни айтиш мумкин:

Султонали Машхадий номи билан танилган «Хаттотлар шоҳи» лақабли Низомиддин Султоний Темурийлар даврининг настаълиқ хатида ижод қилувчи машхур хаттотларидан биридир. У Эроннинг Машхад шаҳрида дунёга келган. Хаттотлик санъатида устозлик даражасига эришганидан кейин Султон Бойқаро саройига йўл топган.

Тарихчилар Султонали Машхадийни ҳам ташқи кўриниши, ҳам ички олами гўзал бўлган бир инсон сифатида тасвирлашган. Айтишларича, у тақводор, покдомон ва орифмаслак бир киши бўлиб, хаттотликдан ташқари шеър ёзишга ҳам қизиққан. Ўз даврининг олимлари, санъаткорлари ва орифлари билан алоқада бўлиб, улар билан доимий мулоқот қилиб турган. У ўз рубойларидан бирида ўз даврининг машхур рассоми Камолиддин Беҳзодни соғиниб, шундай ёзади:

Фарзанди азизи аржумандам Беҳзод
Гаҳ-гаҳ гузараш бар ин тараф мейуфтод.
Ў умри ман аст аз раҳи суврат, лекан
Умрест ки аз манаш намеояд ёд.

Мазмуни: Азиз ва қадрли фарзандим Беҳзоднинг йўли гоҳ-гоҳ бу томонга тушарди. У ҳаётимнинг мусаввирлик шаклидаги ҳосиласидир, аммо ушбу ҳосилада менинг ўзим эслатилмайман.

Султонали Машхадий Темурийлар давлатининг олим ва маданиятпарвар вазири Амир Алишер Навоий билан ҳам яқин дўстона муносабатда бўлган. У Навоийнинг айрим асарлари, жумладан «Хамса» дostonлар мажмуаси ҳамда шеърӣ девонларидан бирини кўчириб, мангуликка тортиқ этган.

У ўша даврда машхур шоир ва ориф Абдурахмон Жомий билан ҳам дўст тутиниб, унинг кўплаб асарлари, жумладан «Юсуф ва Зулайҳо» ва «Тухфат ул-аҳрор» китобларини чиройли бир ёзувда кўчирган.

Бошқа олимлар ва шоирларнинг Султонали Машхадий қалами билан кўчирилган асарлари жумласидан Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Муножотнома» асари, Хайём Нишопурийнинг рубойлари, Низомий Ганжавийнинг «Махзан ул-асрор» дostonи, Ҳофиз Шерозийнинг шеърӣ девони, Султон Ҳусайн Бойқаронинг «Гул ва мул» рисоласи ҳамда шеърӣ девони, Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари ҳамда Хожу

Кирмонийнинг шеърий девонини эслатиш мумкин. Ушбу асарлардан кўпчилиги чиройли хатда кўчирилган бўлиб, бугунги кунда жаҳоннинг турли музейлари ва кутубхоналарида қўлёзма ҳолатида сақланмоқда.

Султонали Машҳадий ўз даврининг кўплаб ёзувчилари, шоирлари ва орифлари асарларини кўчиришдан ташқари ўша замонда яшаб ўтган улў кишилар ва ҳукмрон табақалар вакиллари мақбараларидаги ҳамда Афғонистоннинг Ҳирот шаҳридаги «Боғи Мурод» номи билан ҳам машҳур бўлган «Боғи Жаҳоноро» мажмуаси биноларидаги, шунингдек, Навоийнинг уйидаги ҳовуздаги мрамртошлар юзасидаги битикларни ўзининг чиройли ёзуви билан беаган.

Султонали Машҳадийнинг энг муҳим асари хаттотлик қоидалари баёнига бағишланган шеърий рисоласи бўлиб, ушбу асар қўлёзмаси Россия Федерациясидаги кутубхоналардан бирида сақланмоқда.

Настаблиқ хатида ижод қилган хаттотлар орасида камдан кам кишиларгина Султонали Машҳадийдек асрлар давомида шунчалик катта шуҳратга эга бўлиб келмоқдалар. Бунинг сабаби сифатида Султонали Машҳадийнинг ўзига хос маҳорати, ақл-заковати ва тиришқоқлигидан ташқари унинг настаблиқ хати асосида хаттотликни ўргатишга бағишланган илк махсус рисола ёзганлигини, шунингдек, Темурийлар давлатининг маданиятпарвар вакиллари, жумладан Султон Ҳусайн Бойқаро ва Амир Алишер Навоийларнинг ушбу хаттотни қўллаб-қувватлаганликлари ҳамда унинг кўплаб шогирдлар тарбиялаганлигини эслатиш мумкин.

Ўтган замонларда полиграфия саноатининг мавжуд бўлмаганлигига қарамасдан у даврлар олимлари, ёзувчилари, шоирлари ва сўфийларининг асарлари келгаси авлодларга етиб келган. Биз бунинг учун Султонали Машҳадий каби самарали ижод қилган тиришқоқ хаттотлар олдида қарздорлик ҳиссини туйган ҳолда, уларнинг хотирасига эҳтиром бажо келтирамиз.

Ҳамид НАЙЙИРОБОДИЙ

Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги

Фавқулодда ва Мухтор элчиси